

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ФАРМОНИ

**489** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ–2929-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 7 июнь,  
ПФ–5081-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 7 июндаги  
ПФ–5081-сонли Фармони  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» ПФ–4974-сонли Фармони:

а) 2-иловасидаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати» блокадаги «назорат қилиш» сўзлари «фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, назорат қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тузилмалар, шунингдек, унинг ваколатларини амалга оширишга қўмаклашувчи маслаҳат ва кенгаш органлари рўйхати (3-илова) қуйидаги мазмундаги 1<sup>1</sup>- ва 1<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«

1 <sup>1</sup> .	<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси Васийлик кенгаши</b> (Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлик қилади)	ОАВ, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш хизмати
1 <sup>2</sup> .	<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси</b>	ОАВ, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш хизмати

».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 мартдаги ПҚ–2820-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизмати тўғрисидаги низомнинг 4-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси.

Хизмат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси Васийлик кенгашининг самарали фаолиятини ташкил этишда кўмаклашади.».